



Бобак Хаамирий номли кофир, зиндикликка якин бўлган бир фиркани пайдо килди. Унинг назарида харом ва ҳалол бир хил эди. У одамларни шароб (хамр) ичишга, зино килишга ва ноҳақ равишда бировнинг молини тортиб олишга чақирар эди. Исломдан узоклашган бир канча бахтсиз ва жохил одамлар унинг фиркасини қабул килдилар. Улар кўплаб шаҳар ва юртларни вайрон килдилар.

Арманистон тоғларида мустаҳкамланган, кўлга киритиш мушкул бўлган бир қалъа бор эди. У ерга олиб боровчи йўл фақат тор дара орқали ўтар эди. Фақатгина ўта тор йўлак ва баланд тоғлардан ўтиб бориш мумкин эди. Бу ўрмонлик жойлар шундай эдики, у ерга аскар етиб бориши амри маҳол эди. Шунинг учун ҳеч ким Бобак устидан ғалаба қозона олмасди. Вакт ўтиши билан Бобакнинг аскарлари кўпайди. Улар ҳар томондан мусулмонларнинг йўлига тўскинлик қилиб, уларга ҳужум қилишарди. Шундай қилиб, кўплаб шаҳарлар ва қишлоқларни вайрон килдилар.

Мусулмонларнинг амирлари орасида бу кофирни тўхтатадиган бирорта одам топилмади.

Бу ҳолатдан Муътасим жуда изтиробга тушди.

Бирок Муътасимнинг ҳузурида Хорасан амирлари орасида катта бир амир бор эди. Уни Афшин деб аташар эди. У Мовароуннахрдан эди.

Муътасим унга истаганича аскар бериб, кофир Бобак устидан юборди. Афшин Аллох таолога таваккал қилиб, Бағдоддан йўлга чиқди. Бир ойда ўша водий ҳудудига етиб борди.

Бобак унга қарши чиқиб, Афшиннинг амирлари билан дарбанд оғзида жанг қилди. У мусулмон аскарларини мағлуб этиб, қўпларини ўлдирди. Кейин ўз қалъасига қайта кириб кетди.

Афшин етти ой давомида ўша водийда турди. Ундан олдинга боришга қучи етмади. У Ердабил ва Арманистондан ўша жойни яхши билувчи кишиларни чақиртирди ва жосуслар юборди. Йўлларни текширтирди. Улар шундай хулоса бердилар:

— У ерларга аскар олиб бориш ва Бобакка етиш амри маҳол! Афшин ночор қолди. Бобак эса хийла ишлатиб, мусулмонлар учун камин қўйди. Афшиннинг қўплаб амирларини ўлдирди.

Ўзи гўё қўриниб қолар, кейин эса қочиб кетгандек бўларди. Мусулмонларни ўз ортларига тортар, кейин эса каминдан чиққан аскарлари билан уларни кириб ташларди. Афшин охири шундай фикрга қелди:

— Дарага аста-секин тушиб бориш лозим!

Унинг ёнида халифа Муътасимнинг бир қули бор эди. Уни Бужай-Бухур деб аташар эди. Унга 5,000 аскар бериб, олдинга юборди. Ортдан 3,000, 4,000, 5,000 аскарлар қелди.

Нихоят, у аста-секин дара ичкарисига кирди.
Шу кун улар юриш килдилар. Калъа ёнига етиб бордилар.
Бобак неча бор калъадан чикиб, тунги хужум уюштирди.
Кўплаб мусулмонларни шахид килди.
Охирида мусулмонлар калъага етиб бордилар.
Улар бу ерда галаба қозониш мушкуллигини тушуниб етдилар ва бутун икки йил давомида калъани муҳосара килдилар.
Бобак эса калъа буржларига чикиб ўтирар эди.

Унинг одамлари мусулмонлар қаршисида рубоб чалар, рақс тушар ва шароб ичишар эди.
Келган мусулмон аскарларидан ҳеч қўрқимасди.
Икки йилдан кейин Афшин макр ишлатиб, бир тоғнинг ичига туннел қаздирди ва у ерга камин қўйди.
Унинг ўзи эса қоялаб чекиниб кетгандек бўлди.
Бобак эса бу вазиятдан ҳавфсизлик ҳис қилди.
Мусулмонларни орқадан уриш учун калъадан чиқди.
Каминда ётиб турган аскарлар тўсатдан пайдо бўлиб, Бобакни қамал остига олишди.

Унинг аскарларини қириб ташладилар ва калъани қўлга қиритдилар. Бобакнинг ўзи, унинг ақаси, ўғли ва хотини асирга олинди.
Муътасим Бобакнинг қўлга тушганини эшитиб жуда хурсанд бўлди.
Ҳар бир бекатда Афшинга ҳилъатлар, совғалар ва бебаҳо моллар юборди.

Кейин Бобакни ҳузурига олиб қелишни буюрди. Унинг оёқларини қесиб ташлашни буюрди. Кўкрагини дорга осдирди. Боши
ни қесиб, турли юртларда айлантирди.
Бобак ўлдирилгандан кейин, ўша минтақа мусулмонлари хотиржам бўлдилар.

Мухаммад ибн Жарир ат-Табарий

"Тарих ат-Табарий" китобидан Абу Муслим таржимаси

